# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: info@xs.uz ● 2023 йил 4 апрель, № 66 (8409) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ФРАНЦИЯ БИЛАН ҲАР ТОМОНЛАМА ШЕРИКЛИКНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ МУҲИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 апрель куни Франция Президентининг маслаҳатчиси Изабель Дюмонни қабул қилди. Учрашувда олий даражадаги келишувларни амалга ошириш масалалари ва икки мамлакатнинг ҳар томонлама шериклигини кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.**




Юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Франция Президенти Эммануэль Макроннинг самимий саломи ва шахсий мактубини етказди.

Учрашувда фаол сиёсий мулоқотларни давом эттириш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, Франциянинг етакчи компания ва банклари билан "яшил" энергетика, қазиб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, сув таъминоти тизимини, транспорт ва туризм инфратузилмасини модернизация қилиш каби йўналишларда биргаликдаги йирик лойиҳаларни илгари суриш муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Париж шаҳридаги Лувр музейи ва Араб дунёси институтидаги маданий тадбир ва кўргазмалар муваффақиятли ўтгани юксак баҳоланди. Ўзбекистон мактабларида француз тилини ўрганишни кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликнинг долзарб жиҳатлари юзасидан фикр алмашилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

# ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 3 апрель куни ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини модернизация қилиш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.**

Бугунги кунда 15 мингта ижтимоий соҳа объектида иситиш тизимлари таъмирталаб. Оқибатда уларда иссиқлик энергиясининг 35 фоизи йўқотилмоқда, иссиқлик ҳарорати меъёрга нисбатан 2 баравар паст.

Шу боис Бўстон туманида иситиш тизимини хусусий шериклик асосида янгилаш ва бошқариш бўйича тажриба ўтказилган эди. Иситиш қозонлари замонавийларига алмаштирилган ҳамда тармоқлар модернизация қилиниб, хусусий бошқарувга берилган. Натижада энергия сарфи камайиб, бинолар ичидаги ҳарорат кўтарилган. Айниқса, ўтган қишдаги аномал совуқ даврида ҳам объектларда мўътадил ҳарорат сақлаб турилган.

Йиғилишда ушбу тажрибани оммалаштириш бўйича таклифлар муҳокама қилинди. Унга кўра, иситиш тизими тадбиркорларга 10 йилга бошқарувга берилади ва уларнинг хизматлари давлат томонидан сотиб олинади. Тармоқлар модернизацияси учун зарур маблағнинг ярми бюджетдан, ярми хусусий шерик ҳисобидан ажратилади. Иситиш қозонларини ишлаб чиқаришга керакли бутловчи қисмлар икки йил муддатга божхона божидан озод қилинади.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, ташкилий ва молиявий масалалар бўйича кўрсатмалар берди.

Мутасаддиларга туман ва шаҳарлардаги ижтимоий объектларнинг иситиш тизимларини хатловдан ўтказиб, босқичма-босқич янгилаш, уларни бошқаришга салоҳиятли тадбиркорларни жалб этиш топширилди. Биноларда энергия йўқотилишини камайтириш, иссиқликни сақлаш чораларини кўриш зарурлиги таъкидланди. Инвесторлар иштирокида энергиятежамкор иситиш қозонлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда кўмир таъминоти масаласига ҳам тўхталиб ўтилди.

Сўнгги йилларда юртимизда кўмир қазиб чиқариш 3 миллион тоннадан 5,4 миллион тоннага ошган. Бу йил эса салкам 6 миллион тонна қазиб олиш режалаштирилган. Лекин кўмирга талаб бундан анча кўп.

Президентимиз истиқболли конларни ўзлаштиришга хусусий секторни ва янги технологияларни жалб қилиш, кўмирнинг сифатини ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

**ЎзА.**

## Биз ва жаҳон

# ТОКИОДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ

*Ўзбекистоннинг Япониядаги элчихонасида мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий тадбир — Бош қомусимиз ислоҳотига бағишланган давра суҳбати ташкил қилинди.*

Тадбирда Япония Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи савдони ривожлантириш ташкилоти (JETRO), Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлар институти, Халқаро муносабатлар институти (JIIA), университетлар профессорлари ва экспертлар қатнашди.

Давра суҳбатида сўнгги йилларда мамлакатимизда янги Ўзбекистонни қуриш йўлида салмоқли ютуқларга эришилгани, Конституцияга ўзгартишлар киритиш бўйича бўлиб ўтадиган референдум мамлакатимизнинг замонавий тарихида муҳим сиёсий воқеа эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, иштирокчиларга Асосий Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида фуқароларнинг фаол иштирок этгани ва Бош қомусимиз мамлакат ҳаётининг барча жабҳасида кечаётган туб ўзгаришларнинг узвий қисми бўлиб, уларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратиши ҳамда жамиятдаги бугунги реал воқеликка ва шиддатли ислоҳотлар мантиғига мослаштирилгани етказилди.

Янгиланаётган Конституция ижтимоий, демократик, ҳуқуқий ва чинакам халқпарвар давлатчилик асосларини яратиши, аҳоли фаровонлигини ошириши, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, қадр-қимматини янада юксалтириши ҳамда фуқаролар ҳаётининг барча соҳасини либераллаштиришда муҳим омил бўлиши, айни чоғда янги Ўзбекистон тараққиётида янги даврни бошлаб бериши алоҳида таъкидланди.

Япониялик экспертлар Конституциявий қонун лойиҳасидан ўрин олган ўзгартишларни юқори баҳолади.

→ 2

## Учрашув

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ

*Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Фарғона вилоятига ташрифи доирасида дастлаб вилоят ҳокимлигида маҳаллий Кенгаш депутатлари ва Касаба уюшмалари Федерацияси фаоллари билан учрашди. Унда Сенат ва маҳаллий Кенгашлар фаолиятидаги ҳамкорлик масалалари, ҳар бир қонун ҳужжатини ҳудудлар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқиш, айнан бу борадаги ишлар эндиликда Асосий Қонунда қатъий белгилаб қўйилаётгани ҳамда янги таҳрирдаги Конституцияга бўлган эҳтиёж, уни ишлаб чиқиш жараёнлари юзасидан фикр алмашди.*

Хусусан, янгиланаётган Конституция лойиҳасини шакллантиришда умумхалқ муҳокамасида 220 мингдан зиёд таклифлар келиб тушгани, ҳар тўртта таклифнинг биттаси лойиҳага киритилиб, ҳужжат янада маромига етказилгани, уни тайёрлаш жараёнида 400 дан ортиқ ҳужжатлар, 190 га яқин давлатлар Конституциялари пухта таҳлил қилингани алоҳида айтиб ўтилди.

Айниқса, ҳар бир норма замон талабига мос равишда киритилгани, сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган очиқлик борасидаги ислоҳотларни Бош қомус даражасида мустаҳкамлаш мақсад қилингани ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолияти эркинлиги ва уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқлари тўлиқ кафолатланаётгани қайд этилди.

Ташриф доирасида Сенат Раиси Қувасой шаҳридаги "Зебунисо" МФЙда бўлиб, йиғиннинг янги биноси очилишида қатнашди. Бу ерда яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, маҳалла фаоллари, ҳоким ёрдамчиси ва профилактика инспекторлари билан дилдан суҳбатлашилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда маҳаллада 682 та хонадон бўлиб, 2 200 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг 880 нафарини ёшлар, 85 нафарини болалар ва 1 135 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Эътиборли жиҳати, 2022 йилда маҳаллада умуман жиноятчилик содир қилинмаган.

→ 2

# БОШ ҚОМУСДА ҲАР БИР ШАХС ЎЗ ҲИМОЯСИ ВА МАНФААТИНИ КЎРАЁТИР

*Термиз шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов, парламент қуйи палатаси депутатлари ҳамда Сурхондарё вилоятидаги маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокида янгиланаётган Конституциямизнинг тарғиботига бағишланган тадбир ўтказилди.*

Тадбир давомида Конституциямиздан ўрин олаётган янги демократик қоидалар, уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида ахборот берилди. Шунингдек, демократиянинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланган, давлат ва жамият аҳамиятига молик масалаларни ҳал қилишда халқнинг бевосита иштирокини ифодалайдиган референдумнинг аҳамияти ҳақида фикр юритилди.

Конституциянинг тўғридан-тўғри амал қилиши, давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши, вакиллик ва ижро органларининг ўрни ҳамда роли ҳақида, Асосий Қонунимизнинг ижтимоий давлат қуриш, оила институтини мустаҳкамлаш, мулкни ҳимоя қилиш каби принципиал қоидалари ҳақида маълумотлар берилди.

**Арзиқул СОАТОВ, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлимининг раиси:**

— Сўнгги йилларда жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳасидаги ислоҳотларда кекса авлод вакиллари иштирок этмоқда. Биз олти йилликдаги ўзгаришларни кўряпмиз ва ёш авлодни унинг қадрига етишга ундаяпмиз. Президентимиз, таъбир жоиз бўлса, жамиятимизга меҳр дунёсини олиб кирди.

→ 2

# «АЙЛАНМА ИҚТИСОДИЁТ» ТАМОЙИЛЛАРИ ДОИРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР РЎЁБГА ЧИҚАРИЛМОҚДА

*Яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳида Бош Ассамблеянинг "Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда мақбул ечим сифатида чиқиндининг ноль даражаси роли" мавзуида мажлиси бўлиб ўтди. Туркия ҳукумати, БМТнинг Атроф-муҳит бўйича (ЮНЕП) ва аҳоли пунктлари дастурлари (БМТ-Хабитат) кўмагида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси Б. Алихонов иштирок этди.*

## Анжуман

Вакилимиз ўз маърузасида Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, чиқиндиларни бошқариш ва қайта ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳоли экологик маданиятини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар ҳақида атрофлича ахборот берди.

Айни чоғда 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси ва 2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодиётга ўтиш стратегияси қабул қилингани, уларда аҳолига қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш ва олиб чиқиш бўйича хизматлар кўрсатишни 100 фоизга етказиш, ҳосил бўладиган маиший чиқиндиларни қайта ишлашни 65 фоизга ошириш, шунингдек, "айланма иқтисодиёт" тамойилларини кенг жорий этиш бўйича белгиланган вазифалар изчил амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

→ 2

# ЕВРОПАЛИК ДЕПУТАТЛАР ЎЗГАРИШЛАРНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАШДИ

*Шу йилнинг 3 апрель куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Ўзбекистон — Европа Иттифоқи" парламент ҳамкорлик қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.*

## Ҳамкорлик

Мажлисда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқаларни, хусусан, ижтимоий-иқтисодий, инвестиция, молия ва ҳуқуқ соҳаларидаги, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги муносабатларни янада фаоллаштиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот аввалида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари А. Саидов меҳмонларга Қонунчилик палатасининг таркибий тузилиши, унинг қонун ижодкорлиги йўналишидаги фаолияти, қўмиталар, комиссиялар ва депутатларнинг асосий вазифалари, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида маълумот берди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон — Европа Иттифоқи муносабатларининг сўнгги йилларида икки томонлама ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашди ва кенг қамровли тус олди. Томонлар барча даражада, шу жумладан, олий даражада алоқаларни амалга ошириб келмоқда. 2022 йилда Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги икки томонлама ва минтақалараро муносабатларда янги саҳифа очилди.

→ 2

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ КАФОЛАТИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ

← 1

Учрашувда сўнгги йилларда юртимизда маҳалла институтига ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор қаратилаётгани, мавжуд муаммо ва қийинчиликларни тизимли ҳал этишда ушбу тузилма муҳим роль ўйнаётганига ҳам урғу берилди.

Мазкур маҳаллададаги ўрганиш давомида аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунарга ўқитиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида йўлга қўйилган “Биз бир оила” хотин-қизлар ўқув ишлаб чиқариш кооперативи тақдимоти билан ҳам танишилди.

Сўнгра Қувасой шаҳар ҳокимлигида маҳаллий Кенгаш депутатлари билан учрашув ўтказилди. Унда янги таҳрирдаги Конституцияга киритилаётган ўзгартишлар мазмун-моҳияти ва булардан кўзланган асосий мақсад, референдумнинг аҳамияти тўғрисида сўз юритилди.

Сенат Раиси, шунингдек, Фарғона шаҳридаги маҳаллалар, ижтимоий объектлар ва кам таъминланган оилалар хонадонларида бўлди.

Жумладан, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида ўз касбининг фидойилари бўлган тиббиёт ходимлари, бу ерда даволанаётган она ва болалар билан дилдан суҳбат қурилди.

Мулоқот давомида Сенат Раиси тиббиёт ходимларига эътибор янада ортаётгани, улар ўз касбий фаолиятидан ташқари бошқа ишларга мажбурлаб жалб этилишига чек қўйилганига урғу берди. Айни шу масалалар янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам алоҳида белгилаб қўйилаётир.

Бу тиббиёт марказида ҳар куни ўтказилаётган жарроҳлик амалиётлари туфайли юзлаб хонадонларга бахт ва хурсандчилик қайтарилаётганлиги, шу боис марказда даволаниш учун нафақат юртимиз, балки қўшни давлатлардан ҳам юрагида хасталиги бор чақалоқ ва болалар олиб келинаётгани қайд этилди.

Ўз навбатида, тиббиёт ходимлари томонидан бугун ўзларининг устида кўпроқ ишлашга имконият яратилгани, касбий салоҳиятини кучайтиришлари учун тиббиёти ривожланган қатор хорижий давлатларда малака ошириб келаётганликлари, шу билан бирга, бошқа давлатлардан малакали шифокорлар тажриба алмашиш учун юртимизга келаётганликлари мамнуният билан айтиб ўтилди. Айни чоғда хорижда таҳсил олиб, у ерда ишлаб юрган малакали шифокорлар республикамизда тиббиёт соҳаси ва мутахассисларга берилган эътибор туфайли юртимизга қайтиб келаётгани ҳам диққатга сазовордир.

Шундан сўнг ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олинди.

Сенат Раиси Танзила Норбоеванинг Фарғона вилоятига ташрифининг иккинчи куни ҳам мазмунли кечди.

Жумладан, Сенат Раиси Марғилон шаҳрида ташкил этилган замонавий касблар фабрикаси ҳисобланган рақамли технологиялар марказида бўлди. IT паркнинг Фарғона вилоятидаги филиали бўлган ушбу марказда замонавий касбларга ўқитиш ҳамда шу орқали ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар билан танишди.

Сенат Раиси тақдимотлар билан танишув жараёнида мактабнинг 6-синф ўқувчиси Интизор Ботирова билан суҳбатлашди. Мулоқот чоғида қизалоқ замонавий касби ортидан АҚШ, Франция, Япония, Туркия каби давлатлардан буюртмалар олиб, даромад кўраётганини сўзлаб берди.

Шундан сўнг марказда Марғилон шаҳрининг 2-сектор ҳудудидаги маҳаллалар раислари, ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоллари, ёшлар етакчилари, сектор ҳудудидан сайланган туман депутатлари билан мулоқот уюштирилди.

Учрашув давомида сўнгги йилларда ҳудудларда, хусусан, маҳаллаларда ишларни тизимли ташкил этиш бўйича кўрилган чоралар ўз натижасини бераётгани айтиб ўтилди. Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ҳамда профилактика инспекторидан иборат “бешлик” иш тизими йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда. Шу боис янги таҳрирдаги Конституция нормаларига мувофиқ, маҳаллага янги ваколатлар берилмоқда, аҳоли қатламлари билан ишлашнинг молиявий асосини яратиш устида изланиш олиб борилаётир.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг Сенат ва маҳаллий Кенгашларнинг ҳамкорлигини кучайтириш, инсон ҳуқуқлари устуворлиги, очиқлик сиёсати борасидаги янгиланишлар юзасидан ҳам фикр алмашилди. Қолаверса, янги таҳрирдаги ҳужжатга аҳоли қизиқиши юқори эканлиги, ундаги нормалар, хусусан, инсоннинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолати янада кучайтирилаётгани кўпчиликнинг эътибор марказида бўлиб келмоқда.

Бундан ташқари, мулоқот чоғида маҳаллий Кенгаш депутатлари бир вақтлар эътиқод эркинлиги борасида тўсиқлар бўлгани ва ҳозирда бу борада мутлақо янгича сиёсат юритилаётгани хусусида ҳаётий мисоллардан келиб чиқиб, сўзлаб бердилар.

Сўнгги йилларда амалга оширилган ижобий ўзгариш ва ислоҳотлардан мамнун бўлган юртдошларимиз ўзи ва келажак авлодлар тақдирига бефарқ бўлмаслиги аниқ. Буни улар 30 апрелда ўтказиладиган референдумда фаол иштирок этиш орқали исботлаши, шубҳасиз.

Сенат Раиси Марғилон шаҳридаги “Олтин ипак карвон саройи” туристик маркази фаолияти билан танишиш асносида уста ҳунармандлар ва уларнинг шогирдлари билан учрашди. Конституцияга киритилаётган ўзгартишлар, уларга яратилган муносиб меҳнат шароитлари ва тўланаётган иш ҳақлари юзасидан суҳбат қурилди.

Айтилганидек, янгиланаётган Конституцияда тадбиркорлик фаолияти кафолатларини кучайтириш, бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳалол рақобат учун шарт-шароит яратиш, қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш, адолатли солиқ тизимини йўлга қўйиш, монополистик фаолиятни чеклаш орқали том маънода эркин бозор иқтисодиётини ривож топтириш учун барқарор асос яратилмоқда.

Айни шу мақсадда Сенат Раиси бошчилигидаги ишчи гуруҳ қадимий шаҳарлардан бири бўлган Қўқон шаҳрида “Қўқон эркин иқтисодий зонаси” инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Хусусан, трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган, 350 нафар аҳолини иш билан таъминлаган корхона фаолияти кўздан кечирилди. Унинг раҳбари ва ходимлари билан ўтказилган суҳбатда сўнгги йилларда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш янги босқичга кўтарилгани, уларнинг ҳуқуқлари янгиланаётган Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилаётгани, 30 апрелда бўлиб ўтадиган референдум ҳар бир инсон тақдирида муҳим роль ўйнаши урғуланди.

Шунингдек, Т. Норбоева Қўқон шаҳридаги Фурқат номидаги боғда ташкил этилган сайилда қатнашиб, у ерда аҳоли вакиллари, маҳалла фаоллари, нуроний отахон ва онахонлар, оқила аёллар билан суҳбатлашди.

Самимий кечган мулоқотда нуронийлар Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган ислоҳотлардан мамнун эканини билдириб, қўлларини дуога очди.

Мулоқот чоғида Конституциянинг мазмун-моҳиятига кенгроқ тўхталиб, унда нафақат инсон тақдири, балки табиат ва атроф-муҳитни муҳофазалаш каби долзарб масалалар ҳам ўрин олгани айтилди. Сўлим табиатни асраб-авайлаш ҳар бир фуқаронинг ҳаётий бурчи бўлиб, болалар ва ёшларни табиат ва ҳайвонот дунёсига меҳрли қилиб тарбиялаш бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолаётгани қайд этилди.

Қўқон университетида талаба-ёшлар иштирокида ўтказилган учрашув ҳам унутилмас воқеаларга бой бўлди. Бу ерда Конституцияга киритилаётган ўзгартишларнинг сабаблари, янги нормаларнинг мазмун-моҳияти батафсил шарҳлаб берилди. Айниқса, олий таълим ташкилотларига академик эркинлик берилиши, танлов асосида давлат ҳисобидан бепул олий маълумот олиниши, нодавлат таълим ташкилотлари қўллаб-қувватланиши тўғрисидаги қоидалар ёш авлод ҳаётини яхшилаш, уларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, замонавий мутахассисликларни эгаллашларида кенг имкониятлар яратишга йўналтирилган нормалар алоҳида тилга олинди.

Шундан сўнг Сенат Раиси шаҳар тадбиркорлар марказида Қўқон шаҳар, Данғара ва Бағдод туманлари хотин-қизлар фаоллари билан учрашди. Уларни қийнаётган масалалар, эришилган ютуқлар билан қизиқди. Айни чоғда янги таҳрирдаги Конституцияда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш борасида ҳам муҳим нормалар киритилгани қайд этилди.

Шу билан Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоеванинг Фарғона вилоятидаги учрашувлари якунига етди.

**«Халқ сўзи».**

# БОШ ҚОМУСДА ҲАР БИР ШАХС ЎЗ ҲИМОЯСИ ВА МАНФААТИНИ КЎРАЁТИР

← 1

Янгиланаётган Конституцияда пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилишининг аҳамиятини билишимиз керак. Ҳозирги кунда пенсиялар уйларга олиб бориб берилаётир. Кексаларимиз ҳаётдан рози бўлмоқда.

Фарзандларимизнинг таълим ва тарбиясида уларнинг ота-оналари билан бирга бобоси ва момосининг ҳам масъулиятини оширсак яхши бўлар эди. Вилоят нуронийлари “Биз референдумда овоз берамиз” деган мавзуда акция ўтказдик. Ишончим комилки, референдум юксак кўтаринки руҳда ўтади.

**Дилбар СУВОНОВА,**
**халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, Термиз шаҳар 12-сонли Меҳрибонлик уйи директори:**

— Ўзбекистонимизга янгиланган Конституция кераклигини даврнинг ўзи кўрсатмоқда. Шу сабабли бўлса керак, Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан 220 мингдан зиёд янги таклифлар келиб тушди. Янги Конституция лойиҳасида ҳар бир инсон ҳақида давлат ҳар томонлама ғамхўрлик қилиши муҳрлаб қўйиляпти. Давлатимиз уй-жойли бўлиш, бепул тиббий ёрдам, касб-ҳунар ўрганиш, етарли иш ҳақи ва пенсия олиш учун қонуний имконият яратишни бўйнига оляпти.

Мухтасар айтганда, янгиланаётган Конституциямизда жамиятнинг барча қатлами манфаатлари инобатга олинган.

**Юсуф ҲАЛИМОВ,**
**Ангор туманидаги 3-умумтаълим мактаби директори, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати:**

— Ўқитувчилар пахта, ободонлаштириш, металлом йиғиш ва педагоглик фаолиятига хос бўлмаган ва ярашмаган бошқа ишларга мажбурий жалб қилиниши бугун ўтмишга айланди. Эндиликда ўқитувчи мақоми улуғланмоқда. Ўз вазифасини мукаммал адо этиш учун шароит яратилмоқда.

Янгиланаётган Конституцияга ёшларнинг таълим олиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида киритиляпти. Мазкур нормалар нафақат ёшлар манфаати, балки бутун жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келгуси тақдири учун ниҳоятда муҳим.

Умуман, Конституцияга киритилаётган барча янгиликлар, биринчи навбатда, инсон манфаатига хизмат қилиши билан эътиборга моликдир.

**Фотима НОРМАМАТОВА,**
**Музработ тумани ҳокимининг Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати:**

— Янгиланаётган Конституцияда белгиланаётганидек, бугунги замон ёшлари илғор фикрлайдиган, қатъиятли, ўз мақсади сари ҳаракат қиладиган, мустақил қарорга кела оладиган, муаммони ижобий ечадиган шахслар бўлиши керак.

Таълим соҳасига киритилаётган янгиликлар эса айнан шундай етук, баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилади. Янги Конституцияда халққа анча енгилликлар берилиши, жамиятимиз эркин бўлиши, мулкимиз бутун, болаларимизнинг таълими ва тарбияси учун шароитлар, соғлиғимизни сақлашга кафолатлар киритилиши режалаштирилган.

Шундай экан, барчамиз эртанги кунимизни белгилаб берадиган Асосий Қонунимизга бефарқ бўлмаслигимиз керак.

**Сайфулла ТУРСУНОВ,**
**халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси мудири:**

— Жойлардаги учрашувларда бир нарсага амин бўлмоқдамиз. Оддий одамлар эълон қилинган Конституциявий қонун лойиҳасини ўқимоқда ва ўзининг манфаатини танимоқда.

Конституцияда ҳар бир шахснинг ҳимоясини кўриш мумкин. Конституциямиз — мамлакатнинг юзи ва кўзи, бу ҳужжат албатта, ҳаётимиз асоси бўла олади.

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, шунингдек, 2-оилавий поликлиникада тиббиёт ходимлари ҳамда Ангор туманидаги янги қуриб ишга туширилган “Барака савдо маркази”да ҳунармандлар ва ёшлар вакиллари билан ҳам учрашув ўтказди.*

# РЕФЕРЕНДУМ ЎТКАЗИШ МАСАЛАСИ АСОСИЙ МУҲОКАМА МАВЗУСИ БЎЛДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н. Исмоилов бошчилигида парламентнинг бир гуруҳ депутатлари Бухоро вилоятига ташриф буюрди. Сафардан мақсад — давлат ва жамият тараққиётидаги энг муҳим қонунларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш, парламентнинг фуқаролар билан ўзаро муносабат механизмларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдан иборат бўлди.*

Ташриф доирасида фуқаролар, меҳнат жамоалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан учрашув ҳамда тадбирлар ўтказилди.

Жумладан, Коғон шаҳридаги 9-мактаб, Истиқлол ва М. Бурҳонов номидаги маҳаллалар, шунингдек, Бухоро давлат университети ва бошқалар ташриф объектлари қаторидан ўрин олди.

Ўтказилган барча учрашув очиқлик, фуқароларнинг фаол иштироки билан ажралиб турди. Мулоқотларда 30 апрель куни мамлакатимизнинг янгиланаётган Конституциясини қабул қилиш бўйича умумхалқ референдумини ўтказиш масалалари асосий муҳокама мавзуси бўлди.

Парламент депутатлари тадбирлар давомида кўтарилган саволларга тўлиқ жавоб бердилар, янги таҳрирдаги Конституция Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишини таъминлашда, фуқаролар ҳуқуқлари кафолатларининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидладилар. Маърузачилар референдумга тақдим этилган янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасини қабул қилиш тарафдори бўлиб, ушбу позицияни қўллаб-қувватлаш бўйича ўз фикрларини билдирдилар.

Хусусан, 9-умумий ўрта таълим мактаби тарих фани ўқитувчиси Умиджон Курбонов таъкидлашича, мактабга 18 ёшга тўлган ва референдумда илк мартда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган кўплаб битирувчилар келиб, юксак мамнуният билан референдумда иштирок этишларини, янги Ўзбекистон танлаган йўлни қўллаб-қувватлашларини айтишган.

**Мойра ТОШЕВА,**
**“Шайхулолам” МФЙ раиси:**

— Конституциявий ислоҳот фуқаролар билан яқин алоқада олиб борилаётгани бизга маъқул келяпти, бу — чинакам халқ Конституцияси. Уни тайёрлашнинг ҳар бир босқичи халқ билан биргаликда амалга оширилди. Биз парламент депутатларининг янгиланаётган Конституция матнига киритиш бўйича таклифлар тўпланаётган босқичда фаол иштирок этдик ва албатта, уни референдумда қабул қилиш босқичида ҳам фаол қатнашамиз.

**Иброҳим ТЎХЛИЕВ,**
**“Иброҳим Тўхли” фермер хўжалиги раҳбари:**

— Мен 40 йилдан зиёд қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлайман. Шуни айтмоқчиманки, бу Конституцияни нафақат одамлар интиқлик билан кутмоқда, балки муқаддас заминимизнинг ўзи ҳам кутмоқда. Янги таҳрирдаги Конституция қабул қилиниши билан янги деҳқончилик шароитлари пайдо бўлади, ер эгалари ва у ерда ишлайдиганларнинг ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинади.

*Парламент делегациясининг ташрифи давом этмоқда.*

**«Халқ сўзи».**

# ЕВРОПАЛИК ДЕПУТАТЛАР ЎЗГАРИШЛАРНИ ЮҚОРИ БАҲОЛАШДИ

← 1

Шунингдек, Ўзбекистон ва ЕИ ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни (КШҲБ) ишлаб чиқиш бўйича музокаралар муваффақиятли якунланди. 2019 йил февралдан бошлаб олиб борилган фаол музокаралар натижасида КШҲБ лойиҳаси 2022 йил 6 июлда парафирланиши Ўзбекистон — ЕИ муносабатларида муҳим қадам бўлди.

Мазкур битим икки томонлама ҳамкорликнинг барча соҳасини қамраб олиб, ушбу муҳим ҳужжатнинг имзоланиши ва кучга кириши Ўзбекистон — ЕИ алоқаларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқади.

Учрашув давомида меҳмонларга Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотлар, жорий йил 30 апрель куни бўлиб ўтадиган муҳим сиёсий тадбир — Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича умумхалқ референдумига тайёргарлик кўриш доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам сўзлаб берилди.

Қайд этилганидек, янгиланаётган Конституция янги Ўзбекистонни қуриш ғояси атрофида бутун жамиятимизни жипслаштиради. Унда барча қатлам манфаати инобатга олинди, лойиҳани ишлаб чиқишда кенг жамоатчилик, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, экспертлик ва илмий доиралар вакиллари, зиёлилар фаол иштирок этди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мажбурияти этиб, шунингдек, инсон ва давлат органлари ўртасидаги юзага келадиган ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилиниши, ҳуқуқий таъсир чоралари қонуний мақсадга эришиш учун етарли ва мутаносиб бўлиши кераклиги белгиланмоқда.

Янги Конституцияда Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари 5 тадан 12 тага етказилиб, Сенатнинг мутлақ ваколатлари сони эса 14 тадан 18 тагача ошиши кутилмоқда.

Европа парламенти аъзолари конституциявий ислоҳотнинг мазмун-моҳиятига тўхталар экан, Асосий Қонунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид нормалар сони 3,5 баробар ошаётгани, айниқса, инсоннинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолати энг илғор халқаро стандартларга мувофиқ кучайтирилаётганини юқори баҳолади.

Ўз навбатида, сўнгги олти йилда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги қиёфаси тубдан ўзгаргани, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва демократик ислоҳотларнинг намунаси сифатида намоён бўлаётганини билдирди.

Мулоқот давомида, шунингдек, Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлик ҳолати ва истиқболлари борасида ҳам фикр алмашилди.

Конструктив руҳда ўтган учрашувда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**«Халқ сўзи».**



# ТОКИОДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ

← 1

**Рёта САЙТО,**
**“The Sasakawa Peace Foundation” жамғармасининг етакчи илмий ходими, сиёсий эксперт:**

— Аввало, Конституцияга киритилаётган ўзгартишда ўлим жазосини бекор қилиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, мулоқот сирини сақлаш, тураржой дахлсизлиги аниқ белгилаб қўйилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, Асосий Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда нафақат фуқароларнинг таклифлари инобатга олингани, балки бу жараёнга хорижлик экспертлар жалб қилингани ташқи алоқаларга катта эътибор қаратилишини кўрсатади.

Қонун лойиҳасида “халқаро ҳамжамиятга интеграция” ҳам назарда тутилган. Шунингдек, ўзгартишлар Ғарб жамиятидаги меъёрларга мос келади. Хитой ва Россия ўртасида жойлашган Марказий Осиёдаги давлат бўлса ҳам халқаро ҳамкорликни кенг кўламда диверсификация қилиш хоҳиши борлигини англатади.

**Мичихиро ТАЖИМА,**
**Халқаро муносабатлар институти (JIIA) илмий ходими:**

— Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича умумхалқ муҳокамаларида жами 220 мингдан кўп таклифлар келиб тушганлиги, лойиҳани тайёрлаш жараёнида 400 дан ортиқ халқаро ҳужжатлар ва 190 га яқин давлатлар конституциялари таҳлил этилгани халқнинг юқори қизиқиши ва депутатлар томонидан жуда жиддий ва пухта ёндашилганидан далолат беради.

Янгиланаётган Конституция янги Ўзбекистонни қуриш ғояси атрофида бутун жамиятни жипслаштиришда кучли бир омил бўлишига ишонч билдираман.

**«Дунё» АА.**
Токио

# «АЙЛАНМА ИҚТИСОДИЁТ» ТАМОЙИЛЛАРИ ДОИРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР РЎЁБГА ЧИҚАРИЛМОҚДА

← 1

Бу чора-тадбирлар маиший чиқиндиларни полигонларга ташлаш ҳажмини 60 фоизгача камайтириш, 200 дан ортиқ чиқинди полигонлари ерларини тўлиқ ўзлаштириш ва яшил ҳудудга айлантириш, янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

Мажлисда иштирокчилар Ўзбекистон 2022 йилда Метан чиқиндиларини камайтириш бўйича глобал мажбуриятларга қўшилгани ва 2030 йилга бориб уларнинг ҳажмини 30 фоизга камайтиришни мақсад қилгани айтилди.

Жорий йилнинг бошида Ўзбекистонда Марказий Осиёда биринчи марта чиқинди газини икки йирик полигонда электр энергиясига айлантириш лойиҳаси ишга туширилганини мамлакатимизнинг иқлим ўзгаришига қарши курашишга қатъий интилаётганига яққол мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Тадбир якунида чиқиндиларни биргаликда ўзаро манфаатли ва самарали бошқариш бўйича қатор таклифлар билдирилди. Хусусан, Ўзбекистоннинг БМТ ҳамда аъзо давлатлар билан масъулиятли ишлаб чиқариш ва истеъмолни таъминлаш, шу жумладан, “Ноль чиқинди” ташаббусини илгари суришда ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёрлиги билдирилди.

**«Халқ сўзи».**

# МЕҲНАТ ЖАМОАЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТЛАР ЎТКАЗИЛЯПТИ

*Аввал хабар берилганидек, шу кунларда Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳудудларда аҳоли вакиллари билан учрашиб, турли ташкилот ва меҳнат жамоалари билан мулоқотлар ўтказмоқда.*

## Сенатор ва ҳаёт

Хусусан, Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Б. Тожиев Хоразм вилоятининг Боғот туманида “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан умумхалқ референдуми жараёнлари бўйича маҳаллий Кенгаш депутатлари, зиёлилар, маҳалла аҳолиси билан учрашув ташкил этди.

Мулоқотлар чоғида янгиланаётган Конституция янги Ўзбекистонни қуриш ғояси атрофида бутун жамиятни жипслаштириши, унда барча қатлам манфаати инобатга олингани, лойиҳани ишлашда кенг жамоатчилик, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, экспертлик ва илмий доиралар вакиллари, зиёлилар фаол иштирок этганлиги, қисқача айтганда, лойиҳа том маънода халқ Конституцияси бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Конституцияда камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш бўйича давлат ўзига қатор янги мажбуриятлар олаётгани, умуман, давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига доир нормалар уч баробар ошаётгани айтилди. Айни чоғда илк маротаба давлат зиммасига аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг ҳаёти сифатини яхшилаш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли қатнашиши ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириши учун шарт-шароит яратиш чораларини кўриш мажбурияти юкланаётгани қайд этилди.

Тадбирда янгиланаётган Конституциянинг бошқа нормаларига ҳам кенг тўхталиб ўтилди ва иштирокчиларнинг саволларига батафсил жавоблар қайтарилди.

* * *

Конституциявий қонун лойиҳасига бағишланган тарғибот тадбирлари доирасида “Алоқабанк” АТБ ходимлари билан учрашув уюштирилди.

Унда Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси Н. Умаров қатнашиб, иштирокчиларга янги таҳрирдаги Конституция лойиҳаси юзасидан кенг тушунтиришлар берди.

Жумладан, янгиланаётган Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларимизнинг, ҳар бир вазирлик ва идора фаолиятининг мазмунига айланиши қатъий талаб сифатида белгиланмоқда, бу ҳол давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фақат ва фақат фуқаролар манфаатларини кўзлаб фаолият кўрсатишига асос бўлиши таъкидланди.

“Инсон қадри” тамойилига асосан, қонунлардаги ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал бўлиши шартлиги, давлат ва инсон ўртасида муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликдаги ноаниқликлар, турли тушунмовчиликлар бартараф этилиши, аҳолининг ортиқча оворагарчиликларининг олди олинишига ҳам урғу берилди. Зеро, бу жараёнда жамиятнинг барча қатлами манфаатлари инобатга олингани, янги Ўзбекистонни қуриш ғояси атрофида бутун жамият жипслашгани, Бош қомусимиз том маънода халқ Конституцияси сифатида шаклланаётганидан далолат беради.

**«Халқ сўзи».**

Халқ вакиллари — ҳудудларда

# ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАДИ

*Айни кунларда парламент қуйи палатаси депутатларининг ҳудудлардаги учрашувлари қизғин кечмоқда. Мулоқотлар давомида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар билан бирга, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг мазмун-моҳияти фуқароларга тушунтирилмоқда.*

## Уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади

Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида янгиланаётган Конституция мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришга бағишланган семинар ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ҳазратқул Хўжамқулов иштирок этиб, Асосий Қонунимизга киритилаётган янгиликлар ҳақида йиғилганларга батафсил маълумот берди.

Таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида Конституциявий қонун лойиҳаси устида қизғин иш олиб борилди. Лойиҳа юзасидан 220 мингдан зиёд таклифлар келиб тушди. Муҳокамаларда олимлар, ёшлар, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институти вакиллари, хориждаги ватандошларимиз фаол иштирок этиб, ўз таклиф ва фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Хусусан, янги таҳрирдаги Конституцияда илк бор шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши кераклиги, айбланувчи ва судланувчиларга ўзига қарши кўрсатма бермаслик (халқаро эътироф этилган “Миранда қоидаси”), сукут сақлаш ҳуқуқи берилмоқда.

— Ҳар кимнинг ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланмоқда, — дейди депутат Ҳ. Хўжамқулов. — Бундай ҳуқуқларнинг чекланишига ёки уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилиши қатъий муҳрланмоқда.

Семинарда сўзга чиққанлар Бош қомусимизнинг моҳияти ва аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтдилар.

## Ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлади

Нукус туманидаги “Дарсан” МФЙда жойлашган 6-умумтаълим мактабида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Лейли Сейтова иштирокида янгиланаётган Конституциямизнинг тарғиботига бағишланган тадбир ўтказилди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ёшлар, хотин-қизлар, таълим соҳаси вакиллари иштирок этган тадбирда Асосий Қонунимизга киритилаётган янгиликлар ҳақида кенг маълумот берилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимиз келажагига, эртамиз ворислари бўлмиш фарзандларимиз тақдири учун табиат мувозанатини сақлаш, атроф-муҳит мусаффолигини асрашга ҳар биримиз масъулмиз. Бироқ сўнгги уч йилда қурилишлардан норози бўлиб, аҳолидан 15 мингта мурожаат келиб тушган. Судлар томонидан биргина Тошкент шаҳрида 200 дан ортиқ қурилишлар тўхтатиб қўйилган. Автомобиллар сони 1,3 миллионга кўпайиб, 3,6 миллионга етган бўлса, ҳар йили атмосфера ҳавосига 2,2 миллион тонна саноат ва транспорт ташламалари чиқарилаётгани ушбу масала тобора долзарб аҳамият касб этаётганидан далолат бермоқда.

Шу муносабат билан, янги таҳрирдаги Конституцияда давлат атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чораларни амалга оширади, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади, деган норма мустаҳкамланмоқда.

Шунингдек, ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эгалиги белгиланмоқда.

Очиқ ва самимий мулоқотлар чоғида соҳа вакиллари томонидан янги таҳрирдаги Конституцияга киритилиши назарда тутилган нормалар ҳақида ҳам тушунчалар берилди.

Тадбирда иштирокчиларнинг конституциявий ислоҳотларга оид саволларига жавоб берилди.

## Таълим ва илм-фанга оид нормалар ошмоқда

Янгиланаётган Конституцияда ижтимоий давлатга хос ёндашув таълим соҳаси бўйича ҳам кўпгина модда ва нормаларда ўз ифодасини топмоқда. Таълим ва илм-фанга оид нормалар қарийб 2 баробар ошмоқда.

Хусусан, фуқароларнинг олий таълим муассасаларида давлат гранти ҳисобидан ўқиш имконияти қарор топган. Қолаверса, фуқароларнинг бепул бошланғич касб-ҳунарга ўқитилиши ҳам белгиланмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидаги 1-сонли умумтаълим мактабида бўлиб ўтган тадбирда шу ҳақда маълум қилинди.

— Таълим-тарбия жамиятнинг, давлатнинг келажагини белгилайди. Шу боис ҳам Конституцияда давлатнинг ўқитувчилар шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш мажбурияти кучайтирилмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зумрад Бекатова.

Депутатнинг айтишича, бу қоидалар мамлакатимиздаги 685 минг нафардан зиёд ўқитувчиларнинг профессионал ўсиши ҳамда ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватланиши, уларнинг жамиятдаги ижтимоий мақоми, обрўсини янада оширишга хизмат қилади.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашувда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди.

## Ўқитувчиларга эътибор ва ҳурмат қайтди

Янгиланаётган Конституциямиз мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган ана шундай тадбирлардан бири Нукус шаҳридаги 2-умумтаълим мактабида ҳам бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Руслан Жумамуродов иштирок этиб, Бош қомусимизнинг мазмун-моҳияти ва унга киритилаётган ўзгартишлар ҳақида маълумот берди.

Қайд этилганидек, янги таҳрирдаги Конституцияда ёшларнинг таълим олиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш — давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида киритиляпти. Давлат шу орқали ўз зиммасига муҳим мажбуриятларни олмоқдаки, мазкур нормалар, нафақат ёшлар манфаати, балки бутун жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келгуси тақдири учун муҳимдир.

— Бош қомусимизда ота-оналарнинг ўз фарзандларини вояга етгунига қадар нафақат боқиш ва тарбиялаш, балки уларнинг таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши учун ҳам ғамхўрлик қилиши белгиланмоқда, — дейди Р. Жумамуродов.

Тадбирда сўз олганлар кейинги йилларда ўқитувчи ва мураббийларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, таълим тизимини замон талаблари асосида ташкил этиш бўйича улкан ислоҳотлар амалга оширилгани, устозларга бўлган муносабат тубдан ўзгарганини алоҳида қайд этдилар.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Конституциянинг қабул қилиниши халқ фаровонлигини янада ошириш, давлат ва фуқаролик жамияти жадал ривожланиши учун мустаҳкам асос бўлиши таъкидланди.

**«Халқ сўзи».**

9 апрель — Амир Темур таваллуд топган кун

*Мустақиллигимизга, ҳурриятга эришганимизга, мустамлакадан халос бўлганимизга шукрлар айтайлик, озод Ватанда яшамоқдамиз. Бугун офтобимиз ўзимизники, эккан ниҳолларимиз ўз бошимизга соя солади, боғларимизни кўркам қилади. Бир замонлар юртимизни бирлаштирган, буюк давлатга айлантирган бобомиз улуғ зот соҳибқирон Амир Темур руҳи Ватан узра кезиб юрибди. Мана, бу йил ул зот таваллуд топганига 687 йил бўлмоқда.*

*Ўтмиш кечмишларида бу улуғ сиймога, унинг хотираси ва меросига муносабат ҳар доим ҳам кўнгилдагидек бўлмаган. Халқимиз бошига қора кўланка ташлаган, эркимиз тортиб олинган собиқ иттифоқ даврида кўплаб буюк аждодларимиз қатори Соҳибқирон номига ҳам саноқсиз маломатлар ёғдирилди. Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий: “Бемеҳр замон, беоқибат даврон”, деб ёзганида мана шундай замонларни назарда тутган бўлса, ажаб эмас.*

*Шу юртнинг фарзанди бўлиб, унинг учун яшаб, жон куйдирган Амир Темур ҳар хил қора тамғалар тақилиб, номи қорага чиққани нечоғли адолатсизлик эди! Лекин мустамлака замонида аҳвол шундоқ бўлди. Бироқ осмонга қараб тупурмоқ мутлақо ноxуш ҳодиса эканини, у ўзининг юзига қайтиб тушишини мутлоқ хаёлга ҳам келтирмасдилар.*

*Мустақиллик қуёши порлаб, юртимиз ҳурлик олиб келди, кўнгилларга рўшнолик инди. Тарихга янгича қарай бошладик, мутлақо янгича! Ўзбекистонда Амир Темур ҳақидаги ҳақиқатни рўёбга чиқаришга қатъий бел боғланди. Буюк амир тўғрисида асарлар ёзилди. 1996 йил Соҳибқироннинг таваллудига 660 йил тўлиши муносабати билан мамлакатимизда, Франция пойтахти — Парижда халқаро анжуманлар ўтказилди. Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабзда улуғ бобомизга ҳайкаллар қўйилди. Мамлакатда энди ҳар йили Амир Темур туғилган кунни тантанали равишда нишонлаб келамиз.*



# БУЮКЛИК ШУКУҲИ

*(Эссе)*

## «Суворов» эмас, «Темурбеклар мактаби»

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Соҳибқирон тарихи, давлати, ҳаёти ва фаолияти, меросини ўрганиш, янада чуқурлаштириш бўйича ҳали кўп муҳим ишлар қилиниши лозимлигини таъкидлаб, янги кўрсатмалар берди. Соҳибқирон ҳаётини теран ўрганиш, уни халққа яна ҳам яқинлаштириш, айниқса, ёшлар юрагига улуғ аждодимиз билан фахрланиш туйғусини жойлаш, “Темур тузуклари”ни “Темурбеклар мактаби” ўқувчиларига чуқур тушунтириш зарурлигини уқтирди.

2017 йили Тошкентда катта йиғин бўлди. Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида ёшлар олдида турган вазифалар, ватанпарварлик борасида теран мулоҳазалар билдира туриб, шундай деди:

— Яқинда бир ҳарбий мактабга таклиф қилдилар. Мактабнинг номи “Суворов” экан. Кейин бошқа мактабга бордим, у ҳам “Суворов” номида юритиларкан... Бўлди-да энди, номини бошқа қўйишимиз керак...

Ҳаяжонга чулғанган зал бир қалқиб олди, кейин ажойиб бир янгилик эшитиш умидида, жим бўлиб қолди:

— Энди “Суворов” эмас, “Темурбеклар мактаби” бўлсин! — жаранглади Юртбошимиз сўзлари!

Ҳамма ўрнидан туриб кетди! Зални гулдурос қарсаклар босди! Ҳа, бу ўзлигимизга қайтиш эди.

Ҳозирги кунда Президентимизнинг ғояси ва ташаббуси билан очилган “Темурбеклар мактаби” Тошкент, Фарғона, Шаҳрисабз, Нукус ва бошқа шаҳарларда фаолият юритмоқда. Хизмат сафари билан ҳудудларда бўлганимизда, албатта, ушбу мактабларга кириб, ёшлар билан суҳбатлашамиз. Улардаги шижоат, ғурур-ифтихор қалбларимизни тўлқинлантириб юборади.

2022 йил бошида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Давлат хавфсизлик хизматининг Тошкентдаги “Темурбеклар мактаби”нинг янги биносига ташриф буюрди. Таълим даргоҳида байрам бўлиб кетди. Мен мактабда бош ўқитувчи бўлиб ишлардим. Таниқли давлат арбоблари ва ҳурматли генераллар жам бўлган тадбирда мен ҳам кутиб олувчилар қаторида эдим.

— Мана, — деди давлатимиз раҳбари менга қарата, — сиз китобларда ёзган ишларни шундай амалга оширмоқдамиз.

— Ташаккур, Шавкат Миромонович! — жавоб қилдим миннатдорлик билан. — Раҳбарлигингизда юртимизда мен китобда ёзгандан кўра ўн чандон — юз чандон катта ишлар амалга оширилмоқда…

Президент барчани янги бино билан қутлади ва энди мактаб жамоасига катта тарбиявий ишлар юкланишини, ёшларни тарбия қилиш йўлида янги кафедралар очиш кераклиги ҳақида гапирди. “Темур тузуклари”ни ўқувчилар орасида чуқур ўрганишни асосий вазифалардан бири, дея белгилаб берди. Кейин педагогик жамоа билан суҳбатлашди, ҳар бирига турли саволлар берди, ўқитувчилар кайфияти, ўқувчилар руҳияти билан қизиқди. Яхши жавоблар олгач, ўқувчилар ётоқхонасини кўришга йўналди.

Давлатимиз раҳбари жиҳозланган саришта-саранжом хонага кириб, тузаб қўйилган каравотларни кўздан кечирди. Бирдан эгилиб, ўқувчилар ётадиган кўрпачалар қанчалар юмшоқлигини кўрди, қониқиш ҳосил қилди шекилли, мамнун бўлди. Назаримда, давлатимиз раҳбари, худди боласи ўқиётган ва яшаётган жойни кўргани келган ғамхўр отага ўхшаб кетди... Ҳа, чиндан ҳам ота! Йиғинларда ёшларга “Ўғилларим!”, “Қизларим!” деб мурожаат қилишлари бежиз эмас... У — Юрт отаси!

## Жамият ҳаётининг жони ва руҳи

Дарҳақиқат, Президентимизнинг жойларга борганларида оддий қишлоқ хонадонига кириб, улар билан ҳол-аҳвол сўрашиб кўнгил олиши, марказдан олис ҳудудда йўлнинг текис-нотекислигини кўриш учун шахсан ўзи машинага миниши ёки қулоғи кар болалар мактабига бориб, уларнинг аҳволи билан танишиб, қизалоқлар бошини силаб, кўнгилларини кўтариб, ёрдам қўлларини чўзиши ёки куни кеча Қорақалпоғистонда сафарда бўлганида бир хонадонда ўтириб, оила аъзолари билан бирга ифторлик қилиши ёки сумалак пишираётган кайвони момолардан капгирни олиб қозон кавлашлари — бари-бари унинг халққа нақадар яқинлигини кўрсатади, яна ҳам яқинлаштиради, айни пайтда инсонга самимий эътиборини билдиради.

Шуниси қувонарлики, Шавкат Мирзиёев ёзувчиларни, қалам аҳлини ҳам яхши кўради. Ёзувчилар асарларини ўқиб боради, кузатади, бу маънода катта тасаввурга эга. Қалам аҳлини кўпроқ илҳомлантириш, руҳлантиришга эътибор беради. Бу — ижодкорларнинг омади. “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир, — деганди Президентимиз 2021 йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида. — Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси — бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси — аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият”.

Давлатимиз раҳбари 2017 йилда мамлакат зиёлилари билан қизғин учрашув ўтказди. Жуда эсда қоларли бўлди. Учрашув шунчаки учрашувмас, балки дўстона мулоқот, амалий анжуманга айланиб кетди. Анжуманда катта маъруза қилган Президентимиз зиёлилар ҳаёти билан яхши таниш бўлганидан, уларни қўллаб-қувватлаш чоралари ҳақида сўзлади. Чунончи, дўстлик клублари ташкил этиш таклифини ўртага ташлаб, ҳар бир ташкилотга молиявий қудрати баланд бир идорани масъул этиб қўйди. Бу жуда ажойиб ҳодиса эди. Президент Амир Темур ҳақида алоҳида тўхталиб, улуғ бобомиз шахсияти ва унинг ҳаётини яхши ўрганиш, ёшларга, халқимизга кўрсатиш борасида сўз юритди. Бизда Амир Темур ҳақида жаҳоний андозаларга жавоб бера оладиган фильмлар ҳали-ҳануз йўқлигидан афсусланди. Ва каминанинг “Улуғ салтанат” роман-эпопеясини тилга олиб, шу китоб асосида бадиий фильм яратиш зарурлигини уқтирди. Ҳозир, беш йилдирки, фильмни ишлаш устида табиий узоқ изланишлар кетмоқда, хорижий мамлакатлар ижодкорлари, кинокомпаниялар билан музокаралар олиб борилмоқда, бу қутлуғ ишни амалга ошириш Кинематография агентлиги зиммасида турибди.

Бу воқеаларни эслаганимнинг боиси давлатимиз раҳбарининг Амир Темур шахсини, уни буюк давлат арбоби сифатида қанчалар ардоқлашини, улуғ бобомиз билан нечоғли фахрланишини айтиб ўтмоқчи эдим, холос.

Яна бир мисол. Президентимиз ташаббуси билан 2021 йилда “Амир Темур жаҳон олимлари ва ёзувчилари нигоҳида” номли халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилиши белгиланди. Бу жуда муҳим эди, Амир Темур тарихи ва даври ҳақида мустақил Ватанда олиб борилаётган қадамлардан дунё аҳлини огоҳ қилиш, айни пайтда хориждаги изланишларни халқимизга яқиндан таништириш имкони яратиларди. 2021 йил октябрь ойида, Амир Темур туғилган жой — Шаҳрисабзда ўтказиладиган анжуманга жаҳоннинг ўн тўрт мамлакатидан таниқли темуршунослар, тарихчилар, адиблар, зиёлилар юртимизга ташриф буюришди. Меҳмонлар ичида илгари келганлари ҳам бор эди. “О, Ўзбекистон жуда ўзгариб кетибди!”, “Мен асло бундай обод юртни кўраман, деб ўйламагандим!” қабилида гапиришарди улар… Илмий-амалий анжуман бағоят қизғин ўтди. Давлатимиз раҳбари анжуман фаолиятини кузатиб борди ва уни ҳар икки йилда бир марта ўтказиш лозимлигини таъкидлади.

## Ислоҳотлар самараси эрта эмас, бугун бўй кўрсатиши керак

Янги Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришлар, ободончилик ишлари, халқ соғлиғи борасида ғамхўрликлар, ўқитувчиларга берилаётган енгилликлар, маошлар ошиши, “Ўқитувчи — энди фақат билим бериш, тарбия қилиш билан шуғулланади” тамойилининг йўлга қўйилиши… 2023 йилнинг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб аталиши… Ёшлардаги билимга кучли интилишлар… Спортдаги ютуқлар — боксда жаҳон мусобақаларида Ўзбекистон биринчиликни қўлдан бермай келаётгани, шахмат борасидаги дунёвий ғалабалар, футболда ёшларимизнинг Осиё чемпиони бўлиши... Ҳаёт, турмушнинг ҳар бир соҳасида ўзгаришлар катта. Қийин бўляпти, дейсизми?.. Ҳеч қиси йўқ, енгиб ўтишга ўрганганмиз, дунёда осон ишнинг ўзи йўқ.

Барчаси Президентимиз Шавкат Мирзиёев саъй-ҳаракатлари билан амалга ошмоқда. Буни жумладан жаҳоннинг ўзи кўриб турибди. Оқни ҳеч қачон қора, деб бўлмайди, қорани — оқ...

Тарихдан доим сабоқ оламиз, ибратлари доим бизга фойда беради. Табиийки, ўхшашликлар ҳам кўп. Шавкат Мирзиёев олиб бораётган сиёсатда Амир Темур тажрибалари самаралари бор, “Темур тузуклари”нинг ҳаётбахш таъсирлари яққол сезилади.

Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” китобида ёзилишича, Соҳибқирон Ҳиндистонга бораётиб, Ҳиндикуш тоғи тепасидаги Нагар қалъасида қалъага кирмай қолган булоққа кўзи тушади... Булоқдан бир тегирмон сув айқириб, сурон солиб пастга оқарди. Соҳибқирон эса бағоят сувни қадрларди. Унинг нияти — сув бекорга оқмасин, қалъа аҳолиси ундан баҳраманд олсин. Дарҳол тегишли одамларни қолдириб, уларга қалъа деворини кенгайтириб булоқни ичкарига киритасизлар, деб тайинлайди. Бир йиллик сафардан қайтаётиб, Соҳибқирон кўрсаларки, қалъага девор олинибди, аммо... булоқ аввалгидек ташқарида қолиб кетибди... Соҳибқироннинг ғазаб томирлари қўзғолади, аммо шайтонга ҳай бериб, ғазабини босади. Самарқандга шошилиб турса ҳам тўхтаб, ўзлари булоқ бошига жой қилиб, ўтириб олади ва обиҳаёт қалъага кирмагунча бир неча кун ишни кузатади. Беклар, амирлар ғишт ва балчиқ ташийди. Ҳамма бирдан ишга ёпишади... Соҳибқироннинг бир одатлари бор эди: бугунги ишни бугун қилмоқ керак, эртага қўймаслик лозим, эрта ўз ишини олиб келади.

Давлатимиз раҳбари олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида сўзлар экан, ҳамиша бир гапни қайтаришни унутмайди: “Халқимиз ислоҳотлар самарасини эрта эмас, бугун кўришни истайди!” Юртбошимизнинг фикрлари ва Амир Темур бобомизнинг тутумидаги ҳамоҳанглик киши кўнглига нур бағишлайди.

Соҳибқирон қўшинни тузишда, навкарларни танлашда антиқа, биров билмас, озор етмас йўл тутган. У Шаҳрисабз яқинидаги Тошкўрғон қишлоғида, тоғ бағридаги икки юз қадамлар баландликдаги қадимий ғорда — ҳозир у Амир Темур ғори ҳам дейилади, — ўзининг навкарлари билан машқлар ўтказарди. Ғор ичи кенг, от миниб, қилич ўйнатиб юрса бўлади. Улуғ саркарда навкарни синовдан ўтказади, зимдан кузатиб боради, бирга ғорга чиқа бошлайди. Юз қадам кўтарилганда айрим навкарлар ҳансираб қолади. Амир Темур унга кўнглига ботмайдиган қилиб, дейди: “Сен менга кераксан. Шу ерда қолиб дам олиб тур!” Шу тахлит Соҳибқирон йигитларнинг ўзига билдирмай, ранжитмай ғорга ҳансирамай чиққан навкарларни бир-бир танлаб оларди.

Ўзбекистон ҳарбийлари сўнгги йилларда халқаро ареналарда, Америка, Канада, Покистон ва бошқа мамлакатларда ўтказилаётган қатор мусобақаларда ўзларининг юқори профессионаллиги ва юксак ҳарбий санъатга, маҳоратга эгаликларини, чаққонлик, ҳушёрлик, зукколик, сабот ва бардошда ягона, дунёнинг ривожланган армиялари ҳарбий хизматчиларидан жуда кўп жабҳаларда устун эканликларини намойиш этишмоқда. Бунга Америка ҳам ҳайратда, Европа ҳам лол, ўзимиз ҳам ёқа тутамиз. Бу бежиз эмас. Ахир улар соҳибқирон Амир Темурнинг ворислари, ўша ғорга ҳансирамай чиқа олган чақмоқдай йигитларнинг авлодларидир. Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун айрим мисолларга эътибор қаратайлик.

2022 йили ҳарбийларимиз АҚШнинг Миссисипи штатида ўтказилган “Энг илғор жангчи” мусобақасида бир нечта рекорд натижалар кўрсатишиб, фахрли биринчи ўринни қўлга киритишди. Яна ўтган йили “АрМИ-2022” халқаро армия ўйинларида мамлакатимиз терма жамоаси 7 та олтин, 10 та кумуш, 5 та бронза медалга эга бўлиб, 37 та давлат ичида умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Кузатиб келаман, довюрак ҳарбийларимиз ҳар йили анъанавий тарзда Буюк Британияда дунёнинг йигирма тўртта давлатидан келган жамоалар ўртасида ўтказиладиган машҳур “Кембрия патрули” мусобақасида сўнгги беш йилдан буён биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаб келишмоқда. Мана, кечагина АҚШда ҳарбийлар ўртасида бўлган халқаро мусобақада икки ўзбек жангчиси биринчи ўринни ҳеч кимга бермади!

Албатта, аскарларимизга соҳибқирон Амир Темурнинг буюк даҳоси чексиз фахр, бемисл ғурур, шахту шижоат берганлиги аён. Таҳсинлар айтамиз.

## Юксак одамийлик, инсонпарварлик намунаси

Инсонга эътибор маъносида улуғ бобомиз тарихидан бир факт. 1394 йилда Миср билан бўлган жангларда Соҳибқироннинг унчалар номи чиқмаган (машҳурлиги ҳам асир тушгани туфайли) жанговар амирларидан бири Амир Отломиш душман қўлига тушиб қолади. Соҳибқирон Миср подшосига Амир Отломишни озод қилишни сўраб кишилар юборади. Аммо мисрликлар уни ҳибсда тутиб тураверади. Бу ҳол бир неча марта такрорланади. Соҳибқирон уни унутмайди, сўрашдан чарчамайди: “Ахир у бизнинг одамимиз, душманнинг қўлида азоб чекиб ётадирму? Бешак-шубҳа озод қилурмиз!” дейди. Саккиз йилдан кейингина Амир Отломиш озод этилади ва ўз сафдошлари олдига қайтиб келади. Бу Амир Темур ўз одамларининг ҳар бири азизлигини, уларни унутиб юбормаслигини, ўз ҳолига ташлаб қўймаслигини, ҳамиша қадрига етишини ёрқин кўрсатиб турибди.

Амир Темур ниҳоятда кечиримли зот бўлган. Унинг бундай тутумларидан нафақат бошқалар, балки ўз ўғиллари — амирзодалар, саркардалар ҳам ҳайрон қолишган. Тарихда бунга мисоллар кўп. Чунончи, Тўхтамишхоннинг тўрт марта кечирилиши, Шибирғон ҳокими Зиндачашм Опардийнинг қайта-қайта афв этилиши (кечираверб чарчагандан сўнг Соҳибқирон, шунда ҳам “қатл” сўзини тилга олмай: “Уни ёнимга йўлатманглар, қорасини кўзимга кўрсатманглар!” қабилида “жазо” берибдилар!) ёки Йилдирим Боязиднинг гуноҳидан ўтилиши... Ахир қайси тарихда кўрилганки, кеча қақшатқич жанг қилган одам билан бугун дастурхон атрофида бамайлихотир суҳбат қуриб ўтириш, ҳатто у билан қуда бўлиш — кечаги душман қизини ўз набирасига олиб бериш, тўй қилиш?!. Худди шундоқ, улар бир қавм эдилар, замонанинг энг катта жангидан кейин, Соҳибқирон набираси Абубакр Мирзо ибн Мироншоҳга Йилдирим Боязиднинг қизи Ўроз-Хотунни никоҳлаб, тўйини ўтказади. Бу жаҳон тарихида учрамаган ҳодиса!



**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

Яна кўп ҳодисаларни айтиш мумкин. Булар — соҳибқирон Амир Темурнинг юксак одамийлик, инсонпарварлик фазилатлари, кўринишлари, буюклик шукуҳи! Бунга тан бермоқ керак.

Давлатимиз раҳбари 2017 йилда Ўзбекистон тарихида биринчи марта 2 700 маҳбусни афв этди. Шу ерда Амир Темурнинг ҳам, Шавкат Мирзиёевнинг ҳам қўйган қутлуғ қадамлари қанчалар савоб иш эканини кишини ҳайратга солади! Мамлакатда афв этишни амалга ошириш бўйича, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг конституциявий ваколатини рўёбга чиқариш йўлларини янада такомиллаштириш учун, Ўзбекистонда афв этишни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлангани мутлақо янги ҳодиса бўлди. Комиссия ташкил қилинди. Низом ишлаб чиқилди. Афв этиш маҳкумни жазодан тўлиқ ёки қисман озод қилиш инсонпарварлик акти ҳисобланади. Инсонпарварлик акти! Бу — давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг юксак одамийлик, инсонпарварлик фазилатлари, кўринишлари, буюклик шукуҳи!

Замонлар ҳар хил рангга эга бўлади. Лекин раҳмдиллик, шафқат, оққўнгиллилик, кечиримлилик (Парвардигор кечиримли бандаларни яхши кўради, ҳадисига мос), инсонийлик туйғулари ҳеч қачон ўзининг устуворлигини, улуғворлигини йўқотмайди, улар ўлмасдир. Соҳибқирон гуноҳкорларни адолат нуқтаи назаридан, ўз ихтиёри билан кўнгил амрига суяниб кечиради. Шавкат Мирзиёев ҳам адолат туғини баланд кўтариб, исталган маҳкумни афв эта олади. Буни ҳаётбахш қонун, деймиз. Ҳозиргача бир неча фармонлар асосида 5555 киши афв этилгани ҳақида оммавий ахборот воситаларида маълумотлар эълон қилинган. Ўйлаб қоласан киши. Ҳазрат Алишер Навоийнинг шундай байти бор:

*Кимки бир кўнгли бузуғнинг*
*хотирин шод айлагай,*
*Онча борким, Каъба вайрон*
*бўлса, обод айлагай.*

Яъни: кимки бир кўнгилни шод айласа, бамисли Каъба вайрон бўлса, уни обод қилган одамдай савобга қолади! Бу ерда бир эмас, беш минг беш юз эллик беш(!) одамнинг кўнгли нурафшон, хотири шод бўлди... Унинг савоби қанча бўлар экан?..

2023 йил, мамлакатимизда, юқорида айтганимиздек, “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб аталди. Ҳар икки шиор ҳам жуда муҳим, бир-бирини тўлдирувчи мазмунга эга. Инсонга эътибор... Айни шу масалада Соҳибқирон қатъий фикрга эга бўлиб, инсонга адолат нуқтаи назаридан ёндашар, уни қадрлашга алоҳида эътибор берарди. Буюк саркарда ҳунар аҳлини, илм аҳлини, меҳнат кишисини бағоят қадрлар, шу сабабдан бундай қўлигул инсонларни асраб-авайлар, уларни мамлакатга олиб келар, эзгу ишларга йўлларди.

Инсон — азиз, содда ва мураккаб хилқат. Тангри таоло уни коинотнинг тожи қилиб яратган.

Ҳар бир инсон буюклик шукуҳига эришса, унга шон-шараф насиб этса, у бунга бежиз ва бекорга эришмайди. Унинг сидқидил заҳматлари, уйқусиз тунлари, пешонани танғиб меҳнат қилишлари, изтироблари, қувончлари фақат Аллоҳга ва ўзига аён. Ҳамма гап ҳалолликда ва адолатда. Барчасини Аллоҳ кўриб туради ва ўз паноҳида асрайди. Турон султони соҳибқирон Амир Темурнинг номи тарихга муҳрланиб қолгани боиси ҳам шунда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида олиб борилаётган бетимсол ишлар ҳам асрларга татигуликдир. Юртимизда бўлаётган ўзгаришлар — тараққиёт йўлида туб бурилиш ясаган ҳаётбахш ислоҳотлар она Ватанимиз тарихи зарварақларидан мангу жой олишига ишончимиз комил.

Мушоҳада

*Таълим тизимидаги ислоҳотларда, аввало, абитуриентларни олийгоҳларга қабул қилишда очиқлик, шаффофлик ва адолатни таъминлашга эътибор қаратилаётгани рақобатбардош, улуғ аждодларимизга муносиб, салоҳиятли янги авлод кадрларини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этаётир.*

*Давлат тест маркази ҳам фаолиятини айнан ушбу ислоҳотларни сифатли амалга оширишга қаратиб келган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотлар доирасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги сифатида қайта ташкил этилди.*

# ОЧИҚЛИК, ШАФФОФЛИК, АДОЛАТ

## билимли ёшларни саралашда асосий мезонга айланди

2023 йилгача фаолият юритган Давлат тест маркази сўнгги пайтларда тест синовлари шаффоф ва адолатли ўтказилишига эришди. Лекин буни уддалаш осон бўлмади. 2018 йилга қадар олий таълим муассасаларига кириш тест синовлари 24 мингдан зиёд аудиторияларда ўтар ва уларни назорат қилиш учун минг бўлакка бўлинишга тўғри келарди. Аммо адолат юзасидан айтганда, бу тарзда жонни жабборга бериш билан ҳам яхши натижаларга эришиб бўлмас эди. Ҳар ҳолда жамоатчилик томонидан бўлаётган эътирозлар камаймасди.

Президентимизнинг 2017 йил 16 ноябрдаги "Республика олий таълим муассасалари бакалавриатига кириш тест синовларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори бу соҳада туб бурилиш бўлди, холислик ва адолатга тўлиқ йўл очилди, халқ розилигини таъминлаб берди. Мухтасар айтганда, бу ёшларнинг таълимга бўлган муносабатини, қизиқишини ўзгартириб юборди ва ижтимоий адолатни таъминлади.

Айнан 2018 йилдан бошлаб, тест синовлари одатдагидек минглаб кичик аудиториялардан катта сиғимли, абитуриентларни текшириб киритишда бармоқ изи, юздан таниш техник воситалари, узлуксиз кузатув камералари билан жиҳозланган катта сиғимли биноларга кўчди. Ниҳоят ислоҳотлар мева бера бошлади. Натижада абитуриентлар учун яхшигина шарт-шароит, имкониятлар яратилди. Бу даврда абитуриентлар юртимизнинг узоқ вилоят, чекка туманларидан бир неча марталаб пойтахтга келиб ҳужжат топшириш ўрнига ўз уйидан туриб хоҳлаган олий таълим муассасаси учун онлайн рўйхатдан ўта бошлади. Шунингдек, 5 тагача таълим йўналишини танлаш, тест синовларини ўзига қулай бўлган ҳудудда топшириш йўлга қўйилди. Тест синови жараёнлари жамоатчилик учун онлайн ёритиб бориладиган, натижалар тест синови ўтган куннинг эртасигаёқ, танлов натижалари эса авалги йиллардагидек 15 — 18 кунда эмас, балки бир ҳафтада эълон қилинадиган бўлди.

Шу билан бирга, жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, абитуриентлар тест топшириқларини ечишда ёрдам тариқасида кимёвий элементлар даврий жадвали, физик катталиклар ва шартли белгилашлар жадвали, математика, физика, кимё фанларидан асосий формулалар жадвали билан таъминланди, танловда иштирок этишда давлат гранти устуворлигини белгилаш йўлга қўйилди. Ўз навбатида, қабул квоталари ҳам йилдан-йилга ошиб борди, янги таълим шакллари, таълим йўналишлари очилди.

Шунингдек, ўтган йили илк бор эшитишда нуқсони бўлган абитуриентлар учун тест синовларига сурдотаржимонлар жалб этилди. Мазкур ўзгаришлар ва қулайликлар абитуриентлар томонидан жуда ижобий қабул қилинди. Буларга, аввало, давлатнинг ёшларга ғамхўрлиги ва билимлиларни юксак даражада рағбатлантириш сиёсати эвазига эришилди.

2022 йил давомида марказ томонидан жами 52 турдаги тест синовлари ўтказилди. Уларда 2 миллион нафардан ортиқ талабгорлар иштирок этди. Давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларига қабул тест синовлари шу 52 та турдаги тест синовларининг биттаси, холос. Тест синовларининг баъзи турлари йил давомида, баъзилари ҳар ойда 2 маротаба ўтказиб келинмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасининг узоқ Жаслиқ манзилидан тортиб, то Сурхондарёнинг энг чекка ҳудудларигача ходимларимиз бориб тест ўтказиб келмоқда.

Тест синовларини сифатли ташкил этиш учун ҳар бир тадбирдан олдин вазирлик, идора ва маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда ойлар давомида тайёргарлик ишлари олиб борилади. Шунингдек, тегишли бошқарма ва бўлимларимиз ходимлари 45 — 50 кун мобайнида ёпиқ режимда фаолият юритишади. Бу даврда уларнинг ташқи олам билан боғланиши, оиласи билан кўришиши, телефонда гаплашиши, ёпиқ бинога бошқа ходимларнинг кириши қатъий тақиқланади.

Тест топшириқлари Президентимизнинг 2020 йил 6 ноябрдаги "Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ абитуриентларнинг мантиқий фикрлаши, масала ва мисолларни бажара олиш қобилияти ва таълимнинг кейинги босқичига тайёргарлигини баҳолайдиган умумий ўрта таълим тизимидаги фанларнинг ўқув дастурларига мослаштирилган ҳолда ишлаб чиқилади.

Қайд этиш лозим, тест топшириқ (савол)лари тузилгач, тўғридан-тўғри амалиётга жорий этилмайди. Аввало, тест топшириқлари тафсилотлари ишлаб чиқилади. Тафсилотлар асосида намунавий тест топшириқлари тайёрланади. Шундан сўнг уларни бир неча бор апробация жараёнидан ўтказиш лозим бўлади. Масалан, 2022 йилда ишлаб чиқилган намунавий тест топшириқлари февраль, март, апрель ва май ойларида республиканинг барча ҳудудида апробациядан ўтказилди. Апробация жараёнида учта босқичнинг ҳар бирида 14 та умумтаълим фанидан 5 минг нафарга яқин ўқувчилар, май ойидаги босқичда 3 та (математика, физика, кимё) умумтаълим фанидан минг нафар, жами 16 минг нафар атрофида ўқувчилар иштирок этди. Шунингдек, махсус фанлар (интеллектуал салоҳиятни аниқлаш) бўйича апробация жараёнида март ва апрель ойларида қарийб 500 нафар ўқувчи қатнашган. Ўтказилган барча апробация натижалари бўйича тестология ва педагогик ўлчовлар назарияси асосида статистик таҳлил амалга оширилди. Унинг натижалари фан мутахассислари томонидан кўриб чиқилиб, улар берган тавсиялар асосида тест топшириқлари янада такомиллаштирилди. Ушбу жараёнлардан ўтган тест топшириқлари амалиётда фойдаланиш учун жорий қилинди.

Бу борада Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги Буюк Британиянинг "Cambridge Assessment", "British Council" ва "Association of Language Testers in Europe" ташкилотлари ҳамда Норвич тилни ўргатиш институти, АҚШнинг "Educational Testing Service" ташкилоти ва "Scantron" корпорацияси, Нидерландиянинг "Cito International" ташкилоти каби кўплаб халқаро тузилмалар билан ҳамкорликни йўлга қўйган бўлиб, мунтазам равишда тестология ва баҳолаш бўйича тажриба алмашиб келмоқда.

Шунингдек, 2020 йилда халқаро "Central Asia Certification" ташкилоти томонидан Давлат тест марказининг бошқарув фаолияти халқаро ISO 9001:2015 стандартлар бўйича талабларга мослиги тасдиқланган ва тегишли сертификат топширилди.

Маълумки, кейинги йилларда чет тилларига бўлган қизиқиш, ўрганиш замонавий таълим тизимининг талаб ва эҳтиёжи сифатида намоён бўлмоқда. Бу замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда жаҳон цивилизацияси ютуқлари, дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланиши, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, таълим тизимининг барча босқичида чет тилларини узлуксиз ўрганишни тақозо этди.

Бугунги кунда 15 та чет тилидан (инглиз, немис, француз, испан, итальян, хитой, корейс, япон, турк, араб, форс, урду, пушту, дарий, ҳиндий) тест синовлари ўтказилмоқда. Ушбу соҳада талабгорларга қатор қулайликлар яратилди. Жумладан, талабгорнинг ҳужжатларини кўриб чиқиш жараёни тўлиқ автоматлаштирилди. Имтиҳон ўтказиладиган кунлар олдиндан белгиланиши жорий этилди ва талабгорга имтиҳон кунини мустақил танлаш ҳуқуқи берилди. Имтиҳон жараёнида баҳоланадиган кўникмалар сони биттага қисқартирилди, хусусан, талабгорларнинг лексика ва грамматика кўникмасини алоҳида баҳолаш тартиби бекор қилинди. Малака сертификатини QR-код қўйилган ҳолда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали талабгорга юбориш йўлга қўйилди. Чет тилидан ҳар бир даража (B1, B2, C1) учун алоҳида имтиҳон ўтказиш ўрнига кўп даражали (Multi-level) тест тизими жорий этилди. Бу тизимда талабгор олдиндан қайси даража бўйича тест топширишини белгиламаган ҳолда синовларда қатнашади. Талабгорнинг малака даражаси имтиҳонлар якунлангандан сўнг у томонидан саволларга берган жавобига қараб (B1, B2, C1 даражалар) аниқланади.

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимида рўйхатга олинган шахсларга, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга мазкур давлат хизматини кўрсатишда белгиланган тўловнинг 50 фоизи миқдорида чегирма бериш йўлга қўйилди.

Академик лицейларнинг битирувчилари учун ҳар йили чет тилини билиш даражасини аниқлаш бўйича бепул тест синовлари ташкил этилиши жорий қилинди. Биргина 2022 йилнинг ўзида 15 та чет тили бўйича 54 минг нафарга яқин талабгорнинг чет тилини билиш даражаси аниқланди.

Қувонарлиси шуки, бугун Ўзбекистонда дунёни янгича идрок этадиган, ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашадиган, ўз тақдирини халқи, Ватани тақдири билан эш билиб, фаолият кўрсатаётган янги авлод шаклланди. Зеро, миллий ифтихор туйғусини юракдан ҳис қилаётган ва билимга чанқоқ ёшларимиз мамлакатимиз салоҳияти, келажагини белгилайдиган асосий ҳаракатлантирувчи кучдир.

**Фарҳод МИРЗАЕВ,**
**Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги бошқарма бошлиғи.**

Реклама

# ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

**2022/2023 ўқув йилида бакалавриат таълими йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларини ҳамкорлик шартномалари ҳамда буюртмалар асосида иш жойларига тақсимлашга киришганлигини маълум қилади.**

**Маълумот учун телефон: 71-230-28-20. Факс: 71-230-28-15.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч даҳаси, 127-«А» уй. Инд: 100164.**

**2022/2023 ўқув йилида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини битираётган ёш мутахассислар тўғрисида маълумот**

| № | Таълим йўналишлари номи | Таълим йўналишлари коди | Битирувчиларнинг умумий сони | Шу жумладан: Жами грант | Шу жумладан: Жами тўлов-шартнома | Тошкент шаҳри | | Вилоятлар бўйича: Тошкент вилояти | | Наманган вилояти | | Фарғона вилояти | | Андижон вилояти | | Жиззах вилояти | | Самарқанд вилояти | | Бухоро вилояти | | Навоий вилояти | | Сирдарё вилояти | | Сурхондарё вилояти | | Қашқадарё вилояти | | Хоразм вилояти | | Қорақалпоғистон Республикаси | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш | г | ш |
| | БАКАЛАВРИАТ | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| | ТЕАТР САНЪАТИ ФАКУЛЬТЕТИ | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Актёрлик санъати (драматик театр ва кино актёрлиги санъати ) | 5150300 | 61 | 3 | 58 | 2 | 15 | | 6 | | 5 | | 6 | | 2 | | 1 | | 5 | 1 | 2 | | 3 | | 3 | | 1 | | 7 | | 1 | | 1 |
| 2 | Актёрлик санъати (мусиқали театр актёрлиги санъати ) | 5150300 | 31 | 2 | 29 | 1 | 14 | | 4 | 1 | | | 1 | | 1 | | 1 | | 1 | | 2 | | 1 | | 1 | | | | 1 | | | | 1 |
| 3 | Актёрлик санъати ( қўғирчоқ театри актёрлиги санъати) | 5150300 | 23 | 2 | 21 | | 5 | | 1 | | 1 | | 3 | | 1 | | 1 | | | 1 | 1 | 1 | | | 5 | | 1 | | | | 2 | | |
| 4 | Актёрлик санъати (эстрада актёрлиги санъати) | 5150300 | 31 | 1 | 30 | 1 | 3 | | 3 | | 1 | | 2 | | | | | | 3 | | 3 | | 6 | | 2 | | 2 | | 5 | | | | |
| 5 | Режиссёрлик (қўғирчоқ театр режиссёрлиги) | 5150400 | 16 | | 16 | | 3 | | 1 | | | | 2 | | | | 2 | | 4 | | 1 | | 2 | | | | | | | | 1 | | |
| 6 | Режиссёрлик (эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги) | 5150400 | 14 | 1 | 13 | 1 | 3 | | 7 | | 2 | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | |
| 7 | Режиссёрлик (мусиқали театр режиссёрлиги) | 5150400 | 12 | 1 | 11 | | 1 | | | | 1 | | | | 2 | | | | 2 | | | | | | 1 | | 1 | | 1 | 1 | 2 | | |
| | Театр санъати факультети бўйича : | | 187 | 10 | 177 | 5 | 44 | | 22 | 1 | 10 | | 14 | | 6 | | 5 | | 15 | 2 | 9 | 1 | 13 | | 12 | | 5 | | 14 | 1 | 6 | | 2 |
| | КИНО, ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИО САНЪАТИ ФАКУЛЬТЕТИ | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Касб таълими: 5111000 — Халқ ижодиёти (чолғу ижрочилиги) | 5111000 | 18 | 1 | 17 | | 3 | | 2 | | 1 | | 3 | | 1 | | | 1 | | | | | 1 | | 2 | | 2 | | 2 | | | | |
| 2 | Касб таълими: 5111000 — Халқ ижодиёти (вокал ижрочилиги) | 5111000 | 11 | | 11 | | 1 | | | | 2 | | | | 1 | | | | 1 | | | | 1 | | 3 | | 1 | | 1 | | | | |
| 3 | Санъатшунослик (саҳна ва экран санъати драматургияси) | 5150200 | 12 | | 12 | | 2 | | 2 | | | | 1 | | 2 | | | | 1 | | 1 | | | | | | 2 | | 1 | | | | |
| 4 | Санъатшунослик (кино санъати танқиди ва таҳлили) | 5150200 | 11 | 1 | 10 | | 4 | | 1 | | | | | | | | | | 1 | 1 | 1 | | | | | | 2 | | 1 | | | | |
| 5 | Режиссёрлик (кино ва телевидение режиссёрлиги) | 5150400 | 26 | 1 | 25 | | 13 | 1 | 7 | | 1 | | | | | | 1 | | 2 | | | | | | | | 1 | | | | | | |
| 6 | Техноген санъат (кино, телевидение ва радио овоз режиссёрлиги) | 5151400 | 10 | 2 | 8 | 2 | 3 | | 1 | | | | | | 1 | | | | 2 | | | | | | 1 | | | | | | | | |
| 7 | Кино-телеоператорлик | 5151500 | 12 | 2 | 10 | 1 | 5 | 1 | 3 | | | | 1 | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | |
| 8 | Санъатда анимациявий ва мультимедиавий лойиҳалаш | 5151800 | 23 | 3 | 20 | 3 | 8 | | 5 | | 3 | | | | | | | | 2 | | 1 | | | | | | | | 1 | | | | |
| | Кино, телевидение ва радио санъати факультети бўйича: | | 123 | 10 | 113 | 6 | 39 | 2 | 21 | | 7 | | 5 | | 5 | | 1 | 1 | 10 | 1 | 3 | | 2 | | 6 | | 8 | | 6 | | | | |
| | ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ ФАКУЛЬТЕТИ | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Халқ ижодиёти (ашула ва рақс) | 5151600 | 56 | 6 | 50 | | 3 | 1 | 7 | | 1 | | 4 | 2 | 2 | | 1 | 1 | 4 | | 3 | | 1 | | 2 | | 1 | 1 | 15 | 1 | 6 | | |
| 2 | Халқ ижодиёти (фольклор ва этнография) | 5151600 | 42 | 2 | 40 | | 1 | | 8 | | 3 | | 1 | | | | | | 9 | | 1 | | 1 | | 2 | | 4 | 2 | 9 | | 1 | | |
| 3 | Маданият ва санъат муассасаларини ташкил этиш ҳамда бошқариш | 5151700 | 63 | 9 | 54 | 2 | 13 | | 10 | | 2 | 3 | 3 | | 1 | 1 | 4 | | 4 | 1 | 4 | | 3 | 1 | 1 | | 5 | | 1 | 2 | 2 | | |
| 4 | Ижтимоий-маданий фаолият | 5610400 | 22 | 5 | 17 | 3 | 4 | 1 | 2 | | 3 | | 3 | | 2 | | | | | | | | 1 | | | | 1 | 1 | 1 | | | | |
| 5 | Санъат соҳасида продюсерлик | 5152100 | 7 | 1 | 6 | | 3 | | 1 | | | 1 | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | 1 | | |
| | Халқ ижодиёти факультети бўйича: | | 190 | 23 | 167 | 5 | 24 | 2 | 28 | | 9 | 4 | 11 | 2 | 5 | 1 | 5 | 1 | 17 | 1 | 8 | | 7 | 1 | 5 | | 11 | 4 | 26 | 3 | 10 | | |
| | КУТУБХОНА - АХБОРОТ ФАОЛИЯТИ ФАКУЛЬТЕТИ | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Кутубхона-ахборот фаолияти (кутубхоначилик ва библиография) | 5350600 | 98 | 6 | 92 | 1 | 20 | | 8 | | 2 | | 11 | | 2 | | 3 | | 3 | 1 | 5 | | 9 | | 9 | | 3 | 2 | 7 | 1 | 11 | | |
| | Кутубхона-ахборот фаолияти факультети бўйича: | | 98 | 6 | 92 | 1 | 20 | | 8 | | 2 | | 11 | | 2 | | 3 | | 3 | 1 | 5 | | 9 | | 9 | | 3 | 2 | 7 | 1 | 11 | | |
| | Институт бўйича жами битирувчи бакалаврлар сони: | | 598 | 49 | 549 | 17 | 127 | 4 | 79 | 1 | 28 | 4 | 41 | 2 | 18 | 1 | 14 | 2 | 45 | 5 | 25 | 1 | 31 | 1 | 32 | | 27 | 6 | 53 | 5 | 27 | | 2 |
| | МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
| 1 | Актёрлик санъати (драма театри ва кино актёрлиги санъати) | 70211101 | 10 | 1 | 9 | 1 | 1 | | | | | | 3 | | | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | 1 | | | | 2 |
| 2 | Актёрлик санъати (эстрада актёрлиги санъати ) | 70211101 | 7 | 1 | 6 | 1 | 3 | | | | | | 2 | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | |
| 3 | Актёрлик санъати (мусиқали театр актёрлиги санъати ) | 70211101 | 16 | 1 | 15 | | 6 | | | | | | 1 | | 1 | | 1 | | 2 | | | | | | | | 1 | | 1 | | | 1 | 2 |
| 4 | Актёрлик санъати (қўғирчоқ театри актёрлиги санъати) | 70211101 | 7 | 1 | 6 | | 2 | 1 | 1 | | 1 | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | |
| 5 | Режиссёрлик (драматик театр режиссёрлиги) | 70211101 | 5 | 1 | 4 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | 1 | | | | 1 | | | | |
| 6 | Режиссёрлик (эстрада ва оммавий томошалар режиссёрлиги) | 70211101 | 3 | 1 | 2 | | 2 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | |
| 7 | Режиссёрлик (кино ва телевидение режиссёрлиги) | 70211101 | 8 | 1 | 7 | | 4 | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | 1 | 1 |
| 8 | Овоз режиссёрлиги (кино, телевидение ва радио режиссёрлиги) | 70211101 | 6 | 2 | 4 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 3 |
| 9 | Санъат назарияси ва тарихи: киношунослик | 70211101 | 7 | 2 | 5 | 1 | 3 | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | 1 | | | | 1 | | | | |
| 10 | Театр санъати | 70211101 | 10 | 2 | 8 | | 1 | | 3 | | | | | | | | | | 1 | | | | | 1 | | | | 1 | 2 | | | | 1 |
| 11 | Кинооператорлик | 70211101 | 2 | 2 | | 1 | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | | | | | | | | | |
| 12 | Телеоператорлик | 70211101 | 1 | 1 | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | | | | |
| 13 | Халқ ижодиёти (фольклор ва этнография ) | 70211101 | 11 | 1 | 10 | 1 | 2 | | 1 | | | | 1 | | | | 1 | | | | | | 1 | | | | 1 | | 1 | | | | 2 |
| 14 | Халқ ижодиёти (ашула ва рақс) | 70211101 | 16 | 1 | 15 | | 2 | | 2 | | 1 | | 2 | | 1 | | | | | | | | 1 | | 1 | | | 1 | 4 | | | | |
| 15 | Халқ ижодиёти (чолғу ижрочилиги) | 70211101 | 8 | 2 | 6 | | 2 | | 2 | | | | 1 | | | | | | | | | | 1 | 1 | | | | 1 | | | | | |
| 16 | Маданият ва санъат соҳаси менежменти | 70211101 | 17 | 2 | 15 | | 7 | 1 | 2 | 1 | 1 | | | | 1 | | | | 1 | | | | | | | | 1 | | 1 | | | | 1 |
| 17 | Маданиятшунослик | 70211101 | 16 | 2 | 14 | 1 | 3 | 1 | 3 | | 1 | | | | | | | | 1 | | | | 2 | | | | 1 | | | | | | 4 |
| | Жами магистратура бўйича: | | 150 | 24 | 126 | 8 | 40 | 3 | 14 | 1 | 5 | | 10 | 1 | 4 | | 2 | | 6 | 1 | 3 | 1 | 5 | 2 | 3 | | 4 | 4 | 13 | | 1 | 3 | 16 |
| | Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти бўйича жами битирувчилар сони: | | 748 | 73 | 675 | 25 | 167 | 7 | 93 | 2 | 33 | 4 | 51 | 3 | 22 | 1 | 16 | 2 | 51 | 6 | 28 | 2 | 36 | 3 | 35 | | 31 | 10 | 66 | 5 | 28 | 3 | 18 |

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 441. 18 300 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров.
Мусаҳҳиҳ — М. Беккулова.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 02.15 Топширилди — 02.25 1 2 3 4 5 6